



МАДАНИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН ОЛИБ ЧИҚИШ ВА ОЛИБ КИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚИЛМИШЛАРНИ КРИМИНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ

Абдуқодиров Фарходжон Фахритдин ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят ҳуқуқи кафедраси бошлиғи ўринбосари, юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Farrukhjon655@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10130121>

ARTICLE INFO

Received: 06th November 2023

Accepted: 14th November 2023

Online: 15th November 2023

KEY WORDS

Маданий бойликлар, маданий мерос объектлари, жиноий жавобгарлик, божхона назорати, давлат чегараси, дифференциация, ижтимоий муносабат.

ABSTRACT

Мақола Ўзбекистон Республикасининг умуммиллий бойлиги ҳисобланган, маданий бойликларнинг жиноят-ҳуқуқий муҳофазасини такомиллаштиришга бағишланган бўлиб, унда маданий бойликларга нисбатан содир этилаётган жиноятлар, хусусан уларни қалбакилаштириш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва Республика чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказишнинг бугунги ҳолати, маданий бойликларни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ўрганилган. Маданий мерос объектларини Республика чегарасидан қонунга хилоф ўтказиш учун жавобгарлик белгиланган хорижий давлатлар Жиноят қонунчилиги қиёсий таҳлил этилган. Таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига маданий бойликларни Республика чегарасидан қонунга хилоф ўтказиш учун махсус нормада жиноий жавобгарлик белгилаш таклиф этилган.

Ўзбекистон бой тарихий, маданий ва табиий меросга, ранг-баранг табиатга эга мамлакат сифатида машҳур. Буюк Ипак йўлида жойлашган кўп миллатли жамият сифатида бу ерда асрлар давомида маданият гуллаб-яшнаган. Қолаверса, Ўзбекистон учун маданий мерос миллий ўзлик ва ифтихор манбаи бўлиб, уни муҳофаза қилиш ва тарғиб қилиш давлатимиз томонидан эътиборда.

Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси бўйича рўйхатга олинган, диққатга сазовор жойлар – 532 та, монументал санъат ёдгорликлари – 678 та, архитектура ёдгорликлари – 2252 та, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари – 8210 та, археология ёдгорликлари сони – 4748 тани ташкил этади [1]. Мазкур рақамлар албатта қатъий



бўлмасдан, соҳа мутахассислари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар, изланишлар натижасида янги маданий бойликлар аниқланиши билан ўсиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида республика бўйича 14 та музейда 3 мингдан зиёд нодир ва ноёб маданий бойликлар талон-торож қилингани қайд этилганлиги, жумладан, Бухоро давлат музейида жами 31,5 миллиард сўмлик 81 та маданий бойликлар қалбакиларига алмаштириб қўйилгани аниқланганлиги, “Ичан-Қалъа” давлат музей фондида жами 101 та музей ашёлари аслига тўғри келмаслиги, 30 йилда маданий мерос объектларига етказилган зарар миқдори 4 триллион сўмдан ошганлигини таъкидлади [2].

Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг ҳуқуқий муҳофазаси кўйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 180-I-сонли “1954 йилда имзоланган Қуролли можаро чиққан ҳолларда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги Конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги қарори билан 1954 йилдаги Қуролли можаро чиққан ҳолларда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги Конвенцияга асосан қўшилган [3];

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 5 августдаги “Халқаро шартномаларни тасдиқлаш ҳақида”ги №ПП-1385-сон қарори билан 2007 йил 5 октябрь кундаги “Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг маданий қимматликларни талон-торож қилинишига қарши курашиш ва уларни қайтаришни таъминлашга оид Келишуви” тасдиқланган[4].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида маданий бойликлар муҳофазаси, уларнинг муомаласи Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги 269-II-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги 678-I-сон Қонунлари билан тартибга солинган.

“Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасига кўра:

- эллик йил муқаддам ва ундан ҳам олдинроқ яратилган маданий бойликлар;
- давлат томонидан муҳофаза рўйхатлари ва реестрларига киритилган маданий бойликлар;
- музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари, архивлар, идоравий архивлар ва бошқа сақлаш жойларида доимий сақланаётган маданий бойликлар Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилиши таъқиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги 269-II-сон Қонунининг 36-моддасига кўра Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишида айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги 678-I-сон Қонунининг 23-моддасига кўра маданий



бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисидаги қонунчиликни бузишда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлишлари белгиланган.

Бугунги кунда моддий-маданий мерос объектларини қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтармаслик билан боғлиқ қилмишлар учун жавобгарлик божхона қоидаларини бузиш сифатида баҳоланиб, тегишлича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ёки Жиноят кодекси билан ҳал этилмоқда.

Бугунги кунга қадар, Ф.Ф.Абдуқодировнинг томонидан ЖКни «132¹-модда. Тарихий, илмий, бадий ёки бошқа маданий қимматга эга бўлган ёдгорликлар ёки ҳужжатларни қонунга хилоф равишда эгаллаш» учун жавобгарликни белгилловчи алоҳида норма билан тўлдиришда ифодаланган [5] ёки Т.Х.Хасановнинг ЖКни янги «169¹-модда. Алоҳида қийматга эга предметларни қонунга хилоф равишда эгаллаш» учун жавобгарлик белгилашда ифодаланган таклифлар берилган бўлиб, моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатларга қилинган тажовузларни алоҳида норма билан муҳофаза қилиш лозимлиги илгари сурилган [6].

Маълумки, ҳар бир соҳа сингари, жиноят ҳуқуқининг бирор бир институтини такомиллаштиришда, ривожланган хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка имплементация қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, жиноят қонунчилиги ўзаро ўхшаш бўлган Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган айрим давлатлар жиноят қонунчилигида маданий бойликларни қонунга хилоф равишда давлат чегарасидан ўтказиш учун қандай жавобгарлик белгиланганлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

МДҲнинг аксарият давлатлари, хусусан Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 226-моддаси [7], Украина Республикаси Жиноят кодексининг 215-моддаси [8], Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси 206-моддаси [9], Молдова Республикаси Жиноят кодексининг 248-моддаси [10], Туркманистон Жиноят кодекси 254-моддаси [11], Арманистон Жиноят кодексининг 215-моддаси [12], Қирғиз Республикаси Жиноят кодексининг 285-модда [13] ларида маданий бойликларни давлат чегарасидан белгиланган тартибни бузган ҳолда, қонунга хилоф равишда олиб чиқиш контрабанда жиноятининг предмети сифатида белгиланган. Бу эса қонунда моддий маданий мерос объектларини давлат чегарасидан белгиланган тартибни бузган ҳолда, қонунга хилоф равишда олиб чиқиш учун, мулкни давлат чегарасидан белгиланган тартибни бузган ҳолда, қонунга хилоф равишда олиб чиқиш ёки олиб киришга нисбатан оғирроқ жиноий жавобгарлик белгиланишига хизмат қилган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг “Алоҳида қимматга эга предметларни нобуд қилиш, шикаст етказиш ва ўтказиш” учун жавобгарлик назарда тутилган 203-моддаси 2-қисмида маданий бойликлар ва миллий маданий мерос объектларини Республика ҳудудидан ташқарига қонунга хилоф олиб чиқиш учун алоҳида нормада жавобгарлик белгиланган [14].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мулкни қасдан нобуд қилиш учун 173-моддада жавобгарлик белгиланган бўлса, моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш учун Жиноят кодексининг 132-



моддасида алоҳида нормада жавобгарлик белгиланган. Кўриниб турибдики, миллий жинойт қонунчилигимизда моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш учун жавобгарлик мулкни қасддан нобуд қилиш учун белгиланган жавобгарликдан фарқланган [15].

Фикримизча, моддий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан қонунга хилоф равишда олиб чиқиш билан боғлиқ қилмишларнинг асосий бевосита объекти божхона нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар эмас, балки моддий маданий бойликларни муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланиши лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексини қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш таклиф этилади:

“182¹-модда. Қонунга хилоф равишда моддий маданий бойликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки рухсатномасиз, декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган рухсатнома, декларациядан фойдаланиб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан моддий-маданий бойликларни ўтказиш,

— беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

Мазкур таклифнинг инobatга олиниши келгусида моддий-маданий мерос объектларини жинойт-ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга, Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки рухсатномасиз, декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган рухсатнома, декларациядан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар учун муносиб жинойт жавобгарлик белгиланишига хизмат қилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданий мерос агентлигининг расмий сайти: <https://madaniymeros.uz/>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилиши: <https://president.uz/uz/lists/view/5155>.
3. 1954 йилда имзоланган Қуролли можаро чиққан ҳолларда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги Конвенция <https://lex.uz/docs/2688601>.
4. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларининг маданий қимматликларни талон-торож қилинишига қарши курашиш ва уларни қайтаришни таъминлашга оид Келишуви <https://lex.uz/docs/1802298>.
5. Ф.Ф.Абдуқодиров Талончиликка қарши курашишнинг жинойт-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш // юридик фанлари бўйича фалсафа докторлик диссертацияси: Тошкент – 2022. 77-бет.



6. Т.Х.Хасанов Ўғрилик учун жиноий жавобгарлик ва олдини олиш: ю.ф.ф.д. (PhD) дис. автореферати – Т., 2019. – Б.18.
7. Россия Федерацияси Жиноят кодекси: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/.
8. Уголовный кодекс Украины: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/9164e_eb910585b91c4cabcf22804cc33e804a316/
9. Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси: http://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353.
10. Молдова Республикаси Жиноят кодекси http://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=2228;-48.
11. Туркманистон Республикаси Жиноят кодекси // http://continent-online.com/Document/?doc_id=31295286.
12. Арманистон Республикаси Жиноят кодекси: <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show>.
13. Қирғиз Республикаси Жиноят кодекси// <https://online.zakon.kz/document>.
14. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252 .
15. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: <https://lex.uz/docs/111453>.